

## “СОДДАЛИКНИНГ БАҲОСИ З ЙИЛ”



Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги асосий бош қонунимизда кафолатлаб қўйилган. Шу билан бирга дин ва давлат алоҳида фаолият олиб бориши ҳам белгилаб қўйилган. Юртимиз ҳудудида радикал ислом ва ақидапараастлик ғояларини тарғиб қилувчи ташкилотларнинг ҳар қандай фаолияти қатъий тақиқланган.

Таптиқсаройлик, 1990 йилда туғилган, ёлланма ишчи бўлиб фаолият олиб борган М.У.М , қарангки, буларни билмас эмиш.

У ўзининг “Samsung J 3” русумли телефони хотирасида Рафиқ қори исмли шахснинг ақидапараастлик ғоялари билан йўғрилган “8 март байрами” деб номланган маърузасини сақлаб келган ва ушбу маърузани ўзининг “Телеграм” мессенжеридаги “Улуғбек” деб номланган профили орқали ўзининг яқин танишлари ва аъзо бўлган гурухларга жойлаганлиги ижтимоий тармоқларда тарқалишига сабаб бўлган.

Бундан ташқари, “WhatsApp” мессенжери орқали акаси ҳам ҳудди ана шу маъruzani тинглаб кўриши учун юборган.

Интернет оламининг имкониятлари кенг. Бироқ,унда ҳар ким “ҳохлаган нарсасини тарқатавераман”, деса чучварани хом санабди! Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари тезкор тадбир ўтказиб тезда манбани аниқлашди. Ҳолислар иштирокида У.Мнинг телефони хотираси текширилганда ҳаммаси тасдиқланди.

Тайинланган суд адабиётшунослик экспертизаси ҳам маъруза ақидапараастлик ғоялари билан йўғрилганлиги ва мамлакатимизда уларни сақлаш ва тарқатиш тақиқланган маърузалар сирасига кишини тасдиқлаб ҳолоса берди.

Судланучи буларни билмаслигини, “саддалик” қилганини, қилмишларидан пушаймон эканлиги айтиб суддан енгиллик беришларини сўради.

Суд унинг икки нафар фарзанди борлигини, маҳалладан ижобий тавсифланганини инобатга олиб нисбатан енгилроқ жазо – 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашга ҳукм қилди.

Бугунги кунда интернет ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиб улгурди. Унинг имкониятларидан эзгулик ва яратиш йўлида фойдаланиш эса, арзимаган хато туфайли оиласидан йироқда жазо муддатини ўташдан афзал, албатта.

### **маҳсус мухбир**

#### **Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг**

[Facebook](#),

2022-03-24 22:21:09